

**ФАРМАЦЕВТИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА ТЕРМИНЛАР
ЯСАЛИШНИНГ ЛИНГВИСТИК ВА ЭКСТРАЛИНГВИСТИК ОМИЛЛАРИ НАЗАРИЙ
ТАЪЛИМОТИ**

Худойқулова Длафруз Кабилждановна

Тошкент фармацевтика институти. Таълим сифатини назорат қилиш бўлим бошлиғи.
E-mail: Khudoyqulova-1982@mail.ru Тел: +99890-999-95-34

Аннотация: Мақолада глобализация даврида мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт натижасида ҳар бир соҳага юксак эътибор қаратилаётганлиги, хусусан, фармацевтика соҳасидаги ислохотлар, ўзгаришлар, инновациялар (янгилинишлар) сингари экстралингвистик омилларни тил лексик қатламини риволанишида муҳим туртки эканлиги ўрганилган. Бундай янгилинишлар тилнинг лексик сатҳига халқаро терминлар ва неологизмлар оқимининг жадал суръатларда кириб келиши ва фаол қўлланилиши, уларни амалиётга тадбиқ қилиниши тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: лингвистик, экстралингвистик, термин ясалиши, фармацевтик, таълим, неологизм, фразеологизм, лексик-семантик, функционал-структуравий, усул.

Abstract: In the article notes that as a result of the ongoing socio-economic development in our country in the era of globalization, at present a lot of attention is paid to the field of medicine and pharmacy. There has been studied the lexical level of the language and its application in practice.

Keywords: online education, inclusive education, education platforms, COVID-19 lockdown, quarantine, EdTech.

Аннотация: В статье изучено, что в результате продолжающегося социально-экономического развития нашей страны в эпоху глобализации в настоящее время большое внимание уделяется сфере медицины и фармации. Изучен лексический уровень языка и его применение на практике.

Кириш

Мамлакатимизда сўнги йилларда замон талабларига жавоб бера оладиган фармацевтика хизматларининг ривожланиши чет тилларни мукамал эгаллаган мутахассис кадрларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжни оширмақда. Фармацевтика соҳаси мутахассисларининг ўз касбига оид тушунчалар ва термин-неологизмларни тўғри қўллаши, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича билим ва кўникмаларга эга бўлишлари давр талабидир.

Шу ўринда турли соҳалар терминологияси доирасида, хусусан фармацевтика ва тиббиёт терминлари, неологизмлари ва фразеологизмларини тадқиқ қилган хорижий ва маҳаллий олимларни эътироф этишимиз ўринли, албатта.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Хорижий олимлар Gabrielle Durham, Wei Liu, Liu Wenyu, Elisa Ratih, Rosalin Ismayoeng Gusdian, Viki Hollett, Christine Ro, Marin Roignинг тадқиқотлари инглиз тили фармацевтика ва тиббиёт соҳасига оид неологизмларнинг инглиз тилининг ўзига хос лексик-семантик, функционал-структуравий хусусиятларини инobatга олган ҳолда тилга кириб келиши, ўзлашиши, мулоқотда фаол қўлланилиш масалалари ва таржима муаммоларига бағишланган. Рус тили фармацевтика ва тиббиёт соҳаси термин-неологизмларига бағишланган бир қатор ишлар олиб борилган.

Ўрганилган манбалардан аён бўладики, бугунги кунга келиб жаҳон тилшунослигида ҳам неологизмларга бағишланган кўплаб илмий тадқиқот ишлари дунё юзини кўрмоқда[2]. Бу тилдаги неологизация масаласининг нақадар долзарб ва ҳозирги тилшуносликда ўзига хос аҳамиятли эканлигидан далолат беради. Ўзбек тили фармацевтика ва тиббиёт терминологиясига оид илмий-назарий ва амалий тадқиқотлар бўйича маҳаллий тилшунос ва соҳа мутахассислари томонидан олиб борилган изланишлар соҳа ривожига қўшилган катта ҳиссадир. Масалан: Ё.Тўрақулов [3], Н.Абдуллаев, А.Қосимов [4], Ф.Носиров, Ш.Шоабдурахмонов, А.Ҳожиев, Т.Мирзаев, Р.Дониёров, Р.Худойбердиевлар тиббиёт соҳасига оид терминларни тизимлаштиришда, тартибга солишда салмоқли ишларни амалга оширишган. Фармацевтика ўтказган тадқиқотимиз таҳлили натижасида соҳа терминларидан ташқари, термин-неологизмларнинг ҳам мавжудлиги изоҳталаб қилмайдиган аксиомадир.

Ўрганилаётган тиллар лексикасида маълум бир соҳага оид термин инглиз, ўзбек ёки рус тили истеъмолида илк бор қўлланилса бу жараён термин-неологизм билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Бундай терминларнинг қўлланиш кўламининг кенгайиши улар мавжуд бўлган соҳанинг тараққий этиши билан узвий боғлиқдир.

Терминларга фан ва техника тараққиёти маҳсули сифатида муносабатда бўлсак, табиийки, улар илк бор нутқ бирлигига неологизм сифатида кириб келади. Айтиш жоизки, тилшунослар нутқ бирликлари қаторига неологизмларни ҳам киритишади. Шу ўринда неологизм тушунчасига қисқача изоҳ бериб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади. Неологизм этимологик жиҳатдан – грек. *neos* – янги+*logos* – сўз деган мазмунга эга. Тадқиқотимиз жараёнида неологизм сўзининг тарихини ўрганиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Инглиз тилида чоп этилган Оксфорд луғатига мурожаат қилганимизда, XIX асрнинг бошларида пайдо бўлган, икки маънода ифодаланган *neologist* сўзига дуч келдик: 1) *Neologist* – янги кашфиёт қилган ёки янги сўз шаклидан фойдаланган шахс; 2) *Neologist* – илоҳиётшунослик ёки диний масалалар билан шуғулланувчи киши. Биз илгари сурган фикр-мулоҳазалар биринчи келтирилган таъриф билан бевосита алоқадор бўлиб, неологизм сўзини шу таъриф нуқтаи назардан ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Дарҳақиқат, неологизм янги нарса, тушунчаларни ифодалаш учун ҳосил қилинган, ҳали одатдаги луғавий бирликка тўлиқ айланиб улгурмаган, луғатларда қатъий ўрин олмаган сўз ёки ибора ёхуд ҳар қандай тил бирлиги ҳисобланади.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, аслида, неологизмларнинг индивидуал услубий ва окказионал турлари мавжуд бўлиб, илмий ва бадиий контекстларда персонаж сиймоси услубий талаб асосида яратилади. Шундай экан, неологизмлар мазкур услубга хос термин сифатида номинатив ва сигнификатив функцияни бажаради. Неологизмларнинг пайдо бўлиш йўллари турлича бўлиб, улар тилнинг мавжуд луғавий таркиби ва грамматик қонун-қоидалари асосида янги сўз яшаш йўли, шунингдек, мавжуд сўзнинг луғавий маъноларидан бирини янги маънода қўллаш йўли билан ва бошқа тилдан сўз ўзлаштириш орқали ҳосил қилинади.

Масалан, сўз ўзлаштириш орқали ҳосил бўладиган неологизмларга бутун дунёда пандемияни юзага келишига сабабчи бўлган коронавирус билан боғлиқ бир қатор инглизча неологизмларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Жумладан: *Covid* (коронавируснинг қисқартмаси), *long term covid* – узоқ муддат давом этадиган коронавирус касаллиги, *short term covid* – қисқа муддат давом этадиган коронавирус касаллиги, *doomscrolling/zoombombing* – коронавирус билан боғлиқ салбий хабарларни ижтимоий тармоқлар орқали кўп ўқиш ва кўп кузатиб бориш, *coronaphobia* – коронафобия, коронавирусдан доимий қўрқиш, *lockdown* – карантин орқали қатъий чекловларни жорий этиш, *coronacrisis* – коронавирус сабабли юзага келган иқтисодий инқироз (иқтисодий танглик, бўҳрон, тақчиллик) ва ҳ.

Юқорида қайд этилган янги термин-неологизмлар калькалаш орқали ўзбек тилига неологизмлар сифатида кириб келди ва бугунги кунда анча фаол қўлланилмоқда. Бундан ташқари, бугунги эмланиш жараёнида қўлланилаётган турли вакциналарнинг номларини (*Moderna, Sputnik V, Pfizer, Astra Zeneca* ва б.) ҳам мисол сифатида келтириб ўтиш ўринли.

Тадқиқот методологияси

Юқорида мисол сифатида қайд этилган неологизмлар ўзлашма неологизмлар ҳисобланади. Ўзлашма неологизмларнинг тилда пайдо бўлиши ва уларни йўқолиб кетиши

тил соҳиблари томонидан қабул қилиш жараёни билан изоҳланади. Агар ўзлашма неологизмлар жамият аъзолари томонидан тўлақонли қабул қилиниб фойдаланаётган бўлса, мазкур ўзлашма неологизмлар лингвистика ва луғатшуносликда ҳам қабул қилинган ҳисобланади. Ўзлашма неологизмларнинг пайдо бўлиши тилнинг ривожланишида, муттасил ўзгариб, такомиллашиб боришида муҳим аҳамиятга эга. Тилда ўзлашма неологизмларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1) ўзгарувчан неологизмлар – булар янги маъноли, ягона маданият вакиллари томонидан тор маънода қўлланилган ўзлашма неологизмлардир;

2) кенг тарқалган неологизмлар – бундай неологизмлар жамият аъзолари томонидан ишлатиладиган, аммо ҳали лингвистик жиҳатдан тўлиқ қабул қилинмаган ўзлашма неологизмлар;

3) турғун неологизмлар – барчага маълум бўлган, муттасил фойдаланиладиган ва давомийликга эга бўлган ўзлашма неологизмлардир.

Тилда мавжуд бўлган неологизмлар муаммоларига ўзининг бир қатор салмоқли ишларини бағишлаган тилшунос олим П.Нюмарк: «Ҳали луғатга киритилмаган янги яратилган сўзлар, сўз бирикмалари, ифодалар, мавжуд сўзнинг янги маъноси ва бошқа тилдан олинган сўзлар неологизмлардир», – дея таъкидлайди [5] инглиз, лотин ва рус тиллардаги фармацевтик терминларнинг лексик-семантик ва функционал-семантик жиҳатдан етти гуруҳни қуйидаги шаклда беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Фармацевтика ва тиббиётдаги янги йўналишларни неологизмлар воситаси орқали ифодаланиши. Масалан: *телемедицина, наномедицина, психонейроиммунология, биотехнология, нанотехнология, телехирургия, микропротез* ва б.

2. Фармацевтика ва тиббиётда янги йўналишларни пайдо бўлиши билан бир қаторда иккинчи ўринни янги соҳа мутахассислик номларини ифодаловчи термин-неологизмлар ташкил қилади. Улар қуйидагилар: *радиохирург, соғлом қариш бўйича мутахассис, биофармаколог, биофармацевт, нанотехнолог, телехирург*

3. Ҳозирги кунда фаол қўлланилаётган, аксарият ўзга тиллардан ўзлашган фармацевтика ва тиббиётда қўлланиладиган янги технологияларни ифодаловчи термин-неологизмлар: *нилотиниб терапияси, ресетинг* (бирон тана ҳужайраларининг кўчириб ўтказилган жойга қайта мослашуви), *сиблинг* (бир ота-онага тегишли бўлган фарзандлар, қариндошлик муносабатларини аниқлаш технологияси), *льютинг* ва ҳ.

4. Фармацевтика ва тиббиётда қўлланиладиган янги ускуналар, аппаратуралар ва гаджетларни ифодаловчи термин-неологизмлар: *нанокапсула, микробраш* (тиш тозалаш учун махсус восита), *масофадан бошқариладиган литотриптор, инлей, пинлей қолип (протез), лор-комбайн, МРТ, скрининг, доплер, электрокардиограф CardioQVARK, «Швабе» неонаталь ускунаси, станция OLIMP, нейротренажер*. Ушбу гуруҳдаги термин-неологизмлар хорижий тиллардан ўзлаштирилган сўзлар ҳисобига миллий тилимизнинг луғат фондини бойитиб бормоқда.


5. Фармацевтика ва тиббиётда янги касалликларни ва унинг штаммларини англатувчи термин-неологизмлар: *СПИД, COVID-19; SARS-CoV-2; COV-ID/COVID-статус; сатурация* ва б.

6. Алтернатив, яъни ноадатий медицина, бошқача қилиб айтганда, ҳар бир халқнинг миллий, анъанавий табobati орқали кириб келган термин-неологизмлар. Масалан: *гемосканерлаш, иридодиагностика, этномедицин, хантал, ширин касали (қандли диабет)* ва б. Халқ табobati деганда замонавий тиббиёт технологияси билан эмас, балки, табиий гиёҳлар, доривор ўсимликлар, экстрактлар усуллари воситасида ҳам жисмонан ҳам руҳан даволаниш тушунилади. Ушбу лексик-семантик гуруҳга мансуб асосий термин-неологизмлар икки ёки ундан ортиқ лексемаларнинг бирикиши натижасида ҳосил бўлади.

7. Анатомик термин-неологизмлар, яъни, янги кашфиётлар натижасида таъна аъзоларининг ёки анатомия соҳасига оид лексаманинг янги неологизм кўринишида ҳосил бўлишига айтилади. Масалан: *Дюа қобиғи (қатлами)* - Дюа қатлами, яъни кўзнинг шох пардаси қатламларидан биридир. Унинг кашф қилиниши 2013 йил июнь санасида маълум қилинган. Дюа қатлами - юпқа, лекин мустаҳкам тузилишга эга бўлиб, тўртинчиси корнеа қатлами, строма ва тушувчи мембрана ўртасида жойлашганлиги билан изоҳланади.

Олимларнинг қарашлари ва тадқиқотнинг ушбу фаслига бағишланган неологизм тушунчасининг назариясидан келиб чиқиб, фармацевтика соҳасига оид неологизмларни

тилнинг бошқа қатламлари билан узвий алоқасини қуйидаги жадвал асосида акс эттиришга ҳаракат қилдик.



Инглиз, лотин ва рус тиллар фармацевтика соҳасига оид термин, термин-неологизмларни лингвистик жиҳатдан ўрганиш ва уларни атрофлича таҳлил ва тадқиқ қилиш соҳа терминологик birlikларининг ўзига хос лексик-семантик, структуравий, функционал-семантик хусусиятларини очиб бериш ва тавсифлаш, шунингдек, бугунги кунда зарур бўлган соҳага доир икки тилли, уч тилли ва ҳар бир тилда изоҳли фармацевтика терминлари луғатларини яратишга хизмат қилади.

Шунингдек, фармацевтика ва тиббиёт соҳасига оид махсус адабиётларни, миллий рўзнама ва журналларни бир тилдан бошқа тилларга сифатли таржима қилиш, мамлакатимизда ушбу соҳада рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиланишларни, соҳа ютуқларини теле ва радио каналлари орқали хорижий тилларда мунтазам ёритиб бориш ва жаҳонга танитишга муайян ҳисса қўшиши шубҳасиздир, албатта.

Фармацевтика соҳа терминологиясининг муттасил ривожланиб, тадрижий такомиллашувига давлатимиз томонидан ушбу соҳага қаратилаётган юксак эътибор, олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар муайян даражада туртки бўлмоқда. Зеро, тилда ҳар бир объект, ҳодиса, бирор-бир фактни ифодалаш зарурати уларни номлаш эҳтиёжининг борлиги сабабли аста-секин, динамик равишда ривожланади. Шу маънода ўзбек тилининг фармацевтика соҳасига оид терминологик тизими birlikларини, хусусан, тилимизга кириб келаётган кўплаб термин-неологизмларни тадқиқ ва таҳлил этиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири экани янада аёнлашади.

Фармацевтикага оид лексик birlikларини номинатив категория тамойилларига асосланиб қуйидаги шаклда таснифлаш ва гуруҳлаштириш мумкин:

1. Фанда янги билимларни тавсифловчи неологизмлар фармацевтика соҳасидаги янги кашфиётлар билан узвий боғлиқ. Масалан, XX асрнинг охирида инглиз, рус ва ўзбек тилида ҳам био-префиксли термин-неологизмлар пайдо бўлди. Масалан: **ўзб.** биопотенциал – **инг.** *biopotential* – **рус.** Биопотенциал, **ўзб.** биоритмология – **инг.** *biorythmology* – **рус.** биоритмология – **тарж.** инсон танасида содир бўладиган жараёнларнинг фаоллик ва нофаоллик даражаларини ўрганиш ва б. Бу неологизмлар XX аср бошларида пайдо бўлган бўлса-да, ҳозирги кунда ҳам неологизмлик хусусиятларини йўқотмасдан фармацевтика ва тиббиёт фанлари ривожланишининг янги тенденцияларини белгилаб бермоқда. Бундан ташқари, ўрганилаётган уч тилда ҳам бир хил ифода этиладиган термин-неологизмлар мавжуд. Улар қуйидагилардир: СПИД, ВИЧ-инфекция, токсикомания, иглорефлексотерапия (игнатерапия), иридология, наркология, наркомания, нанотехнология кабиларни ҳам келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

2. Кейинги турга илгари ишлатилган, бироқ ҳозирги вақтда фармацевтика ва тиббиёт тилида фаоллашган неологизмлар киради. Масалан: медицина ёки фармацевтика сўзи сўнгги бир неча ўн йилликларда терминологияда фаол ишлатила бошлаган. Даставвал, ушбу неологизмлар ўрнида тиббиёт, таобат ёки дорилфунун каби сўзлар қўлланилган.

Инглиз, рус ва ўзбек тили фармацевтика терминологиясидаги неологизмларни бир неча гуруҳларга бўлиб ўрганиш самарали усул ҳисобланади. Масалан: *фармацевтика*

саноати йўналиши, соҳавий касб мутахассислари, фармацевтика технологиялари, гаджетлар, янги касалликлар, ноанъанавий тиббиёт ва табобатга алоқадор неологизмлар.

Таҳлил ва натижалар

Фармацевтика соҳасига оид материалларни таҳлил қилиш натижасида, соҳа терминологиясидаги неологизмлар маълум моделларга мувофиқ шаклланишини аниқладик. Неологизмни шакллантиришнинг турли усуллари мавжуд бўлиб, соҳа неологизмларини ясалишининг суффиксация, префиксация, сўзга сўз қўшиш ва аббревиация каби самарали усуллари мисоллар ёрдамида кўриб чиқишга ҳаракат қилдик[6].

Суффиксация усули соҳа термин-неологизмларининг ясалишида самарали усуллардан бири ҳисобланади. Янги сўзларни шакллантиришда ушбу усул фаол қўлланилади ва шу тарзда ҳар қандай сўз туркумига мослашувчанлик хусусиятини пайдо қилади (аксарият ҳолларда рус тили терминларида кузатилади). Масалан: *СПИД – СПИДОВЫЙ центр, кодировать – кодирование (наркологияга оид), биолокация – биолокатор* ва б.

Ўзбек ва инглиз тили фармацевтика неологизмларини ясашда ушбу усул нофаол эканлигини кузатишимиз мумкин.

Инглиз, рус ва ўзбек тиллари фармацевтик лексикасида сўзга сўз қўшиш, яъни композицион усул орқали неологизмларни ҳосил қилиш анча сермахсул усуллардан биридир. Ушбу усулда ҳосил қилинган термин-неологизмлар муайян лисоний моделлар асосида шаклланади ва фармацевтика соҳаси билимлари доирасида касалликларни, илмий фанлар тармоқларини ўрганиш ва даволашда янги йўналишлар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Янги билим соҳаларини билдирувчи неологизмларнинг аксарияти қуйидаги моделга мувофиқ ҳосил бўлади. Масалан: **инг.** *field (соҳа)+logy = pharmacology, nanotechnology, sexology, narcology, phytocosmetology, oncology, biotechnology* ва б; **рус ва ўзб.** *отрасли (соҳа)+логия = фармакология, нанотехнология, сексология, наркология, фитокосметология, онкология, биотехнология* ва б. Юқоридаги мисоллардан англашиладики, термин неологизмлар даставвал инглиз тилидан воситачи рус тили орқали ўзбек тилига тилга кириб келган. Аксарият фармацевтика терминлари эса ўзбек тилига рус тилидан бевосита ўзлашган. Шундай экан, рус ва ўзбек тилларидаги аксарият фармацевтика терминлари бошқа тиллардаги сўз ясаш моделларини қўллаш ҳамда сўз ўзлаштириш орқали вужудга келади[7].

Неологизмларни ҳосил қилиш жараёнида яна бир сермахсул усуллардан бири аббревиациядир. Шундай қилиб, аббревиациянинг икки (тўлиқ ва қисман қисқартириш) турлари мавжуд. Тўлиқ қисқартириш, яъни сўзни бир нечта ҳарфлар орқали қисқартириб ифодалаш (аксарият ҳолларда дастлабки ҳарфлар қисқартирилади) ва қисман қисқартириб ифодалаш (бунда сўзнинг бир қисми қисқартирилади). Масалан: **инг.** *PhAC.* (Pharmaceutical Environmental Health, Public Health, Health), **инф.** (infusion), **инж.** (injection), **q.d.s.** (to be taken four times daily). Рус тилида: **УВЧ** – ультра высокочастотная (терапия), **БАД** – биологически активная добавка, **ЭКО** – экстракорпоральное оплодотворение. **Ўзбек тилида:** **COVID-19, nCOV, ПЗР тест, ПФИЗЕР, МОДЕРНА** ва б. Аббревиация усули орқали ясалган фармацевтик термин неологизмлар ўрганилаётган тиллар луғат таркибини тўлдирибгина қолмай, лингвистик воситаларни, шунингдек, инсон вақти, унинг энергиясини тежашни таъминлайди. Бундан ташқари, мазкур термин - неологизмлар нафақат бир тил вакиллари учун, балки бошқа тил вакиллари учун ҳам тушунарли, қўллаш осон бўлишига олиб келади[8].

Хулоса ва таклифлар. Демак ўрганилаётган уч тилдаги фармацевтика неологизмларининг аксарият қисми 75% отлардан, иккинчи ўринда 13% сифатлар, сўз бирикмалар 6% (от ва сифат сўз туркумларидан ташкил топган), феъллар 5%, атиги 1% равиш сўз туркумига оид терминлардан иборат. Ўрганилаётган тиллар фармацевтика терминологиясида неологизмларни ҳосил қилишнинг сермахсул усулларида аффиксация ва сўзга-сўз қўшиш усуллари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу фаслда замонавий инглиз, рус ва ўзбек тиллари фармацевтика соҳасидаги неологизмларнинг лексик-семантик

гурухлари (ЛСГ) лисоний жиҳатдан таснифланди ва тавсифланди. Булар: *фармацевтика саноати йўналишлари, соҳавий касб мутахассислари, фармацевтика технологиялари, гаджетлар, янги касалликлар номлари, ноанъанавий тиббиёт ва табобатга алоқадор неологизмлар* ва б.

Шундай қилиб, илм-фаннинг жадал ривожланиши билан боғлиқ ҳолда, фармацевтика терминологияси ҳам янги терминлар ва неологизмлар билан тўлдирилмоқда. Бу нафақат фармацевтика тилида, балки умумадабий тилда ҳам ижобий динамик жараёнлар содир бўлаётганлигидан далолат беради.

Адабиётлар

1. Чернявский М. Н. Латинский язык и основы фармацевтической терминологии. –М.: Медицина, 1994. –384 с.
2. Бельчиков Ю. А. К изучению речевых новаций в русском литературном языке конца XX – начала XXI столетия // Славистика: синхрония и диахрония: сб. ст. / отв. ред. В. Б. Крысько. –М.: Азбуковник, 2006. –С. 52-59.
3. Тўрақулов Ё. , Н. Абдуллаев. Тиббиёт қомусий луғати. –Тошкент. 1994. –318 б.;
4. Қосимов А. Тиббий терминлар изоҳли луғати: Жилд 1-4. Таҳрир ҳайъати: Ф.Назирова, Ш.Шоабдурахмонов, А. Ҳожиёв ва б. –Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2003. – 472 б.
5. Newmark P.A Text Book of Translation, UK. – Prentice Hall International Ltd, 1988. – P.17.
6. D.K. Khudoyqulova, T.B. Akhmedova. Models and methods application pharmacy terms in translation of scientific texts. Збірник наукових праць ЛОГОΣ2021/3/24.
7. N.S. Suyundikov D.K. Khudoyqulova. The methods of teaching the pharmaceutical terminology in Latin. International conference "Best practices in distance education in learning foreign languages" 2019/5/14. P. 249-250
8. D.K. Khudoyqulova., O.S.Akhmedov "Diachronic study of pharmaceutical terms" Journal of Critical reviews. Volume 7, Issue 2, may. 2020. P 117-119